

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУРХАНОВ ЮСУПБАЙ ЕЛМУРАТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА  
ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ  
(2010–2020 йй.)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Пурханов Юсупбай Елмуратович**

Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогик фикрларнинг  
ривожланиши (2010–2020 йй.) .....3

**Пурханов Юсупбай Елмуратович**

Развитие педагогической мысли в Каракалпакстане в  
годы независимости (2010–2020 гг.).....23

**Purxanov Yusupbay Elmuratovich**

Development of pedagogical thought in Karakalpakstan during the years of  
independence (2010-2020) .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУРХАНОВ ЮСУПБАЙ ЕЛМУРАТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА  
ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ  
(2010–2020 йй.)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.Phd/Ped1082 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Утебаев Тажибай Тилеумуратович педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Юзликаев Фарит Рафаилович педагогика фанлари доктори, профессор Айтимбетов Махсетбай Зинатдин ули педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети


Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» XII кунин соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75, факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)).


Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75, факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» XII да тарқатилди.  
(2020 йил «14» XII даги 20 рақамли реестр баённомаси).



  
Б.П.Отемуратов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

  
З.К. Курбаниязова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

  
А.К. Пазылов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосори п.ф.н., доцент

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг янада чуқурлашуви, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ижтимоий фаол фуқаролар – юқори савияга эга мутахассисларни, меҳнат бозорида рақобатбардош ва бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир шахсни тайёрлаш зарурати педагогик кадрларни тарбиялаш муаммосини янада долзарблаштирмоқда. Бугунги кунда жаҳонда таълим тизимини ривожлантиришнинг методологик асоси сифатида педагогик фикрлар тараққиёти масаласи, таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва ўз ечимини кутаётган муаммоларни тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Дунёда компаративистик ёндашув асосида педагогик фикрлар ривожининг асосий тенденциялари ва устувор йўналишларини аниқлаштириш, таълим-тарбия жараёнларининг халқаролашуви ва глобаллашуви шароитида миллий моделларни илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, таълимни инсонпарварлаштириш ва шаффофлигини таъминлашнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, этнопедагогик ғоялар ва фикрлар тараққиётини тизимли структуралаштириш, аналитик ёндашув асосида таълим-тарбия ривожини прогнозлаш, илмий тадқиқотларнинг устувор жиҳатларини аниқлаштириш, педагогик фикрлар тараққиётининг аксиологик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишларини аниқлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари сифатини оширишнинг эргономик асосларини такомиллаштириш, педагогик прогностика асосида таълим мазмунини лойиҳалашнинг дидактик параметрларини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Республикамызда илмий-педагогик меросни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, педагогик фикрлар ривожини тадқиқ этиш асосида таълим-тарбия ривожининг истиқболли йўналишларини аниқлаштириш, педагогика соҳасидаги илмий мактаблар фаолиятини такомиллаштириш, миллий-педагогик фикрлар тараққиётининг дидактик самарадорлигини баҳолашнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш ҳам алоҳида долзарблик касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, педагогик фикрлар ривожини тарихий-қиёсий таҳлил этиш, педагогик қарашлар ва ғояларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тадқиқ этишнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш, педагогик фикрлар ривожининг таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишга таъсирини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада педагогик фикрларнинг ривожланиш тарихи юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиё халқларининг Шарқ Уйғониш даври маданияти, миллий кадриятлари ва мутафаккирларнинг илмий мероси, уларнинг тарбиявий аҳамияти масалалари А.Зуннунов, Ж.Йўлдашев, С.Нишонова, О.Мусурмонова, Ж.Ҳасанбоев, Н.Эркабоевалар; Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожини У.Алеуов, Т.Утебаев, М.Айтимбетовлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Ю.Сындеева, Ф.Ялалов, Е.Смягликова, А.Ундозерова, К.Атемова, А.Жумабеков, Қ.Шалғинбаева, Ж.Сарибековаларнинг тадқиқотларида педагогик фикрлар ривожининг компаративистик, этнопедагогик жиҳатлари очиқ берилган.

Хорижлик олимлардан С.Bereiter, M.Scardamalia, M.Bybluk, L.H.Engel, P.Freire, I.Illich, L.Kohlberg, E.Matusov, J.Lemke, M.Silverman, T.T.Stewart, R.Wegerifлар томонидан инсонпарварлик, маданий диалог, реформаторлик педагогикаси ривожининг етакчи тенденциялари ва устувор йўналишлари ўрганилган.

Бироқ 2010-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг ижтимоий, миллий хусусиятлари, дидактика, тарбия ва методика соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар махсус тадқиқ этилмаган. Мазкур йилларда Қорақалпоғистонда амалга оширилган илмий-педагогик тадқиқотларни таҳлил этиш, педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишларини аниқлаштириш зарурати мазкур йўналишда илмий

изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И1-ХТ-0-17222 “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи-ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” (2013-2014 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг устувор йўналишларини таҳлил этиш, таснифлаш ва улардан фойдаланиш йўллари аниқлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитларини ёритиб бериш;

тизимли-структур ёндашув асосида педагогик фикрлар ривожининг асосий тенденцияларини аниқлаштириш;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик моделини такомиллаштириш;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишларини аниқлаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2010-2020 йилларда Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчилари ва тингловчилари, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалининг 694 нафар респондент-талабалари жалб этилди.

**Тадқиқот предмети** Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланиш босқичлари, мазмуни ва модели.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид фалсафий, социологик, анкета, сўровнома, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари (омиллари, босқичлари, мазмуни) илмий-тадқиқот ишларининг интенсив амалга оширилиши, миллий концепцияларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, таълим устуворлигининг тан олинishi, таълим фаолияти соҳасидаги очиклик ва шаффофликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ эканлигини аниқлаш орқали асосланган;

тизимли-структур ёндашув асосида экспериментал ва инновацион фаолият негизида педагогик фикрлар ривожининг этнопедагогик, компаративистик (чоғиштирма), антропологик, акмеологик, андрагогик жиҳатлари историографиянинг ворисийлик, объективлик, амалий

йўналтирилган тенденцияларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик моделини процессуал-амалий компоненти инновацион таълим муҳити шароитида ўқитиш сифатининг юқори даражасига эришиш, илмий-педагогик фаолият даражасининг оптималлигини таъминлаш, миллий ва илғор хорижий тажрибалардан мақсадли фойдаланишнинг индикаторли кўрсаткичларини интерналлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишлари (когнитив, шахсий-инсонпарварлик, ижтимоий-педагогик, маданий-антропологик) социоцентрик ва антропоцентрик қадриятларнинг таълим-тарбиянинг етакчи парадигмалари билан бевосита ва билвосита алоқадорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

тизимли-структур ёндашув асосида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг тузилмаси ва компонентлари аниқланган;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик моделини амалга ошириш босқичлари такомиллаштирилган;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожини ўрганишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари, тизимли-структур ёндашув асосида экспериментал ва инновацион фаолият негизида педагогик фикрлар ривожининг этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик, андрагогик жиҳатларининг аниқланганлиги, Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик моделининг ишлаб чиқилганлиги, миллий ва илғор хорижий тажрибалардан мақсадли фойдаланишнинг индикаторли кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти илмий-тадқиқот ишларининг интенсив амалга оширилиши, миллий концепцияларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, таълим устуворлигининг тан олинishi, таълим фаолияти соҳасидаги очиклик ва шаффофликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини, Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишларини белгилашда социоцентрик ва антропоцентрик қадриятларнинг таълим-тарбиянинг етакчи парадигмалари билан бевосита ва билвосита алоқадорлигини ҳисобга олишга доир илмий-услубий

тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогик фикрларнинг ривожланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари илмий-тадқиқот ишларининг интенсив амалга оширилиши, миллий концепцияларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, таълим устуворлигининг тан олинishi, таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ эканлигини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 23-октябрь 89-03.4175-сон маълумотномаси). Натижада, бакалаврият таълим йўналишларида Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тизимли-структур ёндашув асосида экспериментал ва инновацион фаолият негизида педагогик фикрлар ривожининг этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик, андрагогик жиҳатларини аниқлаштириш, Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик моделини процессуал-амалий компонентини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 23-октябрь 89-03.4175-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” фанини ўқитишнинг методик таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг истиқболли йўналишларини социоцентриқ ва антропоцентриқ кадриятларнинг таълим-тарбиянинг етакчи парадигмалари билан бевосита ва билвосита алоқадорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 2А1-ХТ-0-92997 “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 23-октябрь 89-03.4175-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий-педагогик ғоялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола,

жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида таълим ислоҳотларининг педагогик фикрларнинг ривожланишига таъсири”** деб номланган биринчи бобда Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда узлуксиз таълимнинг ривожланиш шарт шароитлари, таълим ислоҳотларининг педагогик фикрларнинг ривожланишига таъсири таҳлил этилган.

Бугунги кунда жаҳон таълим соҳаси ривожда умумий ўрта таълим мактаблари тараққиётини қиёсий ўрганиш, илғор хорижий тажрибалар асосида ўқитиш сифатини ошириш, инновацион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам умумий ўрта таълим тизимини ривожлантиришга, айниқса, ўқитиш сифати ва самарадорлигини миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тадқиқотчи М.Айтимбетов «Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон умумий ўрта таълим мактаблари тизими тараққиёти (XX аср охири XXI аср бошларида)» номли тадқиқот ишида мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда умумий ўрта таълим мактаблари ривожланишининг асосий йўналишларини таҳлил этиш орқали ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан. Шунингдек, тадқиқотчи таълим сифатига эътибор қаратиб, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш сифати мониторинги технологиясининг квалиметрик босқичлари ҳамда натижавийлик компонентларини ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини ривожлантириш мезонларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирган.

Тадқиқотчи Н.М.Нагметова «Умумий ўрта таълим мактабларида ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мактабларининг ўсмир ўғил болалари мисолида)» мавзусидаги диссертациясида умумий ўрта

таълим мактабларида ўсмир ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини ёритиб берди.

Тадқиқотчи Ж.Асаматдинова «Ахлоқий-эстетик тарбия жараёнида ўқувчиларда қадриятга йўналганликни ривожлантириш технологияси» номли тадқиқот ишида ахлоқий-эстетик тарбия жараёнида ўқувчиларда қадриятга йўналганликни ривожлантириш технологияси мазмуни ва дидактик таъминотини такомиллаштиришга муваффақ бўлган.


Республикамизда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ана шундай тадқиқотчилардан бири Г.Альджанова «Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини лойиҳали-контекстли технология шароитларида шакллантириш» номли тадқиқот ишида лойиҳавий-контекстли технологияни қўллаш орқали бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш мазмунини ёритиб берди. Ушбу илмий тадқиқот бўлажак ўқитувчи касбий фаолияти самародорлиги ва мақбуллигини таъминлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари (когнитив, аффектив, креатив) продуктив фаолиятни ташкил этишнинг интегративлик тамойилини касбий компетенциялар тизимига индуктив жорий этиш асосида аниқлаштирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили грамматик материалларини ўргатишнинг лингвистик ва методик асосларини такомиллаштириш, ўқувчилар нутқини ўстириш, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган янгича ёндашувга асосланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан А.Султанова «5-7 синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш методикаси (таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)» номли тадқиқот ишида таълим қорақалпоқ тилидаги мактабларнинг 5-7 синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш методикасини ишлаб чиққан. Мазкур тадқиқот таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-7 синфларида ўзбек тили грамматик материалларини ўргатиш мазмуни ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ўзаро қиёслаш асосида лингвистик терминларни аниқлаштиришга устуворлик бериш орқали такомиллаштирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, бошланғич таълимнинг назарий-методологик жиҳатларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини ривожлантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш жараёни моделини яратишга доир тадқиқотчилар томонидан қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадқиқотчилардан бири С.Тажбенова «Она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билимларни амалда қўллашни ўргатиш методикаси (таълим козоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар мисолида)» номли тадқиқот ишида бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билимларни амалда қўллашни ўргатиш методикасини ишлаб чиққан.

Қорақалпоғистон Республикасида 2010-2020 йилларда амалга

оширилган педагогик тадқиқотлар натижалари асосида педагогик фикрлар ривожининг қуйидаги ижтимоий-маданий шарт-шароитлари аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари**

**“Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши”** деб номланган иккинчи бобда Қорақалпоғистонда сўнгги ўн йилликда (2010–2020 йй.) таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг устувор йўналишлари, илмий-педагогик кадриятларнинг янгиланиши, таълим-тарбияга доир миллий концепцияларнинг педагогик тадқиқотлар ривожигаги ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Ёш авлодни тарбиялашда энг аввало янгича педагогик фикрларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланишида янги йўналишлар, педагогик тадқиқотлар олиб борилиши, умуман, педагогик методологиянинг янгиланиши талаб этилади. Шу жиҳатдан Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг устувор йўналишлари тизимлаштирилди (1-жадвал).

**Қорақалпоғистонда сўнгги ўн йилликда (2010–2020 йй.) таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг устувор йўналишлари**

№	Йўналишлар	Жорий ҳолати	Истиқболли йўналишлари
1	<b>Қорақалпоқ халқ педагогикасига доир тадқиқотлар</b>	Халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг педагогик имкониятлари кенг очиб берилган.	Таълим-тарбия мазмунини этнопедагогик материаллар асосида бойитиш, ўқувчиларда умуммаданий ва миллатлараро толерантликни тарбиялаш
2	<b>Тарбия назариясига доир тадқиқотлар</b>	Тарбия жараёнининг узвийлиги ва узлуксизлиги, тарбияга компетенциявий ва технологик ёндашувга алоҳида аҳамият қаратилган.	Тарбия парадигмалари асосида ўқувчи-ёшларда ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш, “Тарбия” фанини ўқитиш технологиясини такомиллаштириш
3	<b>Ахборот ва педагогик технологияларни қўллашга доир тадқиқотлар</b>	Таълим-тарбия амалиётига илғор ахборот ва педагогик технологияларни қўллашнинг адаптив механизмлари такомиллаштирилган.	Рақамли педагогиканинг дидактик имкониятларини очиб бериш, суперфикрлашни ривожлантиришга доир креатив технологияларни ишлаб чиқиш
4	<b>Дидактика, ўқитиш методикасига доир тадқиқотлар</b>	Умумтаълим фанларини ўқитиш мазмунини структуралаштириш ва усулларини ишлаб чиқишга доир айрим янги ёндашувлар аниқлаштирилган	Миллий ўқув дастурлари асосида умумтаълим фанларини ўқитишнинг замонавий методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизмларини аниқлаштириш
5	<b>Таълим менежментига доир тадқиқотлар</b>	Таълим сифатини оширишга доир услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Таълим менежментига доир фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш даражаси етарли эмас	Таълимда инновацион ва стратегик менежментни бошқариш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқитиш сифатини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш

1-жадвалдан кўришиб турибдики, айрим йўналишлар бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, педагогик фикрлар ривожига катта ҳисса қўшилган бўлса, айрим йўналишлар бўйича истиқболда махсус тадқиқотларни ташкил этишга алоҳида эҳтиёж мавжуд. Шундай бўлишига қарамасдан мазкур йўналишлар бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилиши педагогик фикрлар ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, педагогик фикрлар тараққиётини ўзида акс эттирган Қорақалпоғистон Республикаси халқ ўқитувчиси, педагогика

фанлари номзоди, доцент А.Пазылов, педагогика фанлари номзодлари, доцентлар Қ.Қосназаров, Қ.Сейтмуратов ва З.Курбаниязовалар муаллифлигида яратилган қорақалпоқ тилида «Педагогика назарияси» номли дарслигининг яратилиши катта воқелик бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг таълим-тарбия соҳасида туб бурилишлар бўлганлиги барчамизга маълум. Сўнгги йилларда республикамизда педагогика фанини ҳар томонлама тадқиқ этувчи олимлар сони ортиб, мазкур фан ривожланмоқда. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда 80 га яқин педагог олимлар фаолият юритиб, улар педагогика тарихи, назарияси ва ўқитиш методикаси бўйича турли илмий муаммоларни замон талабига мос равишда тадқиқ этмоқда.

Ана шундай олимлардан бири Т.Утебаев бўлиб, 2016 йилда бир босқичли олий таълимдан кейинги таълимда диссертацияни ҳимоя қилиш орқали педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

Олим ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида «Қорақалпоғистода XX аср иккинчи ярми — XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши» мавзусидаги тадқиқотида педагогика фанинг ривожланишига ҳисса қўшган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини ўрганиб, илмий жиҳатдан таҳлил этади.

Шунингдек, педагогика назарияси, педагогик таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича М.Айтымбетов, Н.Нағметова, Ж.Асаматдинова, Н.Абдимуратова, И.Моянов, А.Ережепов, Л.Бектурсынова, Г.Альджанова, С.Алауатдинов, Е.Тилеёв, Ж.Отелбергеновлар педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Мамлакатимизда мақом ҳамда бахшичилик санъатини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларда миллий ва умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотчи А.Ережепов «Қорақалпоқ жировчилик санъати воситасида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари» деб номланган тадқиқот ишида қорақалпоқ жировчилик санъати воситасида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириб, жировлар воситасида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиясини ишлаб чиқди.

Ёш олима Л.Бектурсынова «Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш» номли тадқиқот ишида педагогик фасилитация воситасида педагогика олий таълим муассаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир локал-модулли технологияни ишлаб чиққан. Тадқиқот жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (ўқув мотивлари, билишга қизиқиш ва эҳтиёж, рефлексия) интеллектуал фаолликнинг мақсад кўйиш, қарор қабул қилиш, коррекция босқичларининг қайта таъсир этиш даражаси мутаносиблигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотчи Н.Абдимуратова «Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш» деб номланган тадқиқот ишида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларинг ижтимоий-маданий

компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштирди.

С.Алауатдинов «Ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизмлари» мавзусидаги тадқиқот ишида ислом динининг назарий-тарихий манбаларини таҳлил этиш асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб берди.

Шу билан бирга, Г.Абылова, Г.Изетаева, С.Тажбенова, Н.Матчанов, И.Алламбергенов, Н.Бабаниязова, Д.Нурышев, Г.Қарлибаева, Б.Еримбетов, А.Султанова, Н.Орынбетовлар ўқитиш методикасига доир тадқиқотларни амалга ошириб, хусусий дидактика ривожига маълум бир маънода ўз хиссасини қўшишди.

Педагог олима Г.Карлыбаеванинг «Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида бўлажак физика фани ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги даражаси таҳлил этилиб, унинг педагогик-психологик омиллари такомиллаштирилган. Г.Карлыбаева кўп йиллик изланишлари натижасида бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммосини ҳал этишга қаратилган, муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда бўлажак физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш, ўз педагогик фаолият тажрибасида янгиликлар киритишга қаратилган ижодий фаолликни ҳар тамонлама ривожлантириш мақсадини амалга оширишнинг кўп компонентли тузилмавий-манتيқий моделини ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи Г.Абылова «Муסיқа таълими йўналишида информатикани ўқитишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» номли тадқиқот ишида бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг методик асосларини ишлаб чиқди. Мазкур тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, муסיқа йўналишидаги педагогика олий таълим муассасаларида «Информатика ва ахборот технологиялари» курсини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш мазмунининг ишлаб чиқилган, бўлажак муסיқа таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантиришда информатика таълими имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган.

И.Алламбергенов «Академик лицей-университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикаси» номли тадқиқот ишида академик лицей-университет тизимида математика фанларини ўқитишнинг узвийлик модели математик анализ асосларини ўқитиш мисолида такомиллаштирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Изланувчи Д.Нурышов «Ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» номли тадқиқот ишида миллий кураш спорт тури билан шуғулланувчи ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва

тавсиялар ишлаб чиққан.

Хулоса қилиш мумкинки, Қорақалпоқ таълим тизимидаги ислохотлар ўқитиш методикасининг қай даражада ривожланганидан далолат беради.

Бу борада мактабгача таълим методикаси, барча фанларни ўқитиш методикаси бўйича бошланғич таълим методикаси каби соҳаларда салмоқли илмий тадқиқотлар яратилгани бунинг исботидир.

Юқоридаги тадқиқотлар Қорақалпоғистонда тарбия назарияси бўйича ҳам педагогик фикрларнинг кенг маънода ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

**“Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар тараққиётининг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни”** деб номланган учинчи бобда тадқиқот мавзуси юзасидан тажриба-синов ишлари, муаммога доир илмий-педагогик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилинди.

Педагогика тарихи ва назарияси ўз номига кўра халқимизнинг ёш авлодга таълим-тарбия беришга доир фикрларини, тарихий манбаларнинг ва маънавий меросимизнинг тарбиявий аҳамиятини, таълим-тарбия, мактаб ва маориф соҳасининг тарихий тараққиёт йўлини, педагогик қарашлар тарихини ҳамда илмий-педагогик назарияларни таҳлил этади. Ўз тадқиқотимизда биз Қорақалпоғистон шароитида педагогик фикрлар тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини илмий таҳлил этар эканмиз, бу жараёни педагогик фаолият билан шуғулланувчи ўқитувчилар жамоаси ҳамда бўлғуси педагоглар, яъни талабалар яхши билишлари ва миллий маънавий тарихий манба сифатида ҳар томонлама ўрганишлари, улардан ўз педагогик фаолиятларида кенг фойдаланишлари лозим деб биламиз. Чунончи тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш институти гуманитар фанлари ўқитувчилари ва тингловчилари, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогик институти ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали талабалари жалб этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш институти гуманитар фанлари ўқитувчилари ва тингловчиларидан 132 нафар, Қорақалпоқ давлат университети 245 нафар, Нукус давлат педагогик институтидан 210 нафар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалидан 107 нафар, талабалар жалб этилди.

Тажриба-синов ишларида асосан талабаларга ўзлари таҳсил олаётган институт ва университетларнинг ташкил этилиш тарихи, дастлабки фаолияти, мазмунига бўлган қизиқишларини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Асосий эътиборни талабаларнинг халқимиз тарихи, миллий маънавий мерослари, ахлоқий кадриятлари, илм-маърифат, тараққиёти бўйича билимларига, уларга бўлган муносабатига қаратдик. Тажриба-синов жараёнида олинган натижаларнинг таҳлили 5 баллик тизим асосида қуйидаги уч мезон асосида алоҳида-алоҳида баҳоланди: 1) халқимиз тарихини билиш ва миллий кадриятларни ўзлаштиришга қизиқиш; 2) халқимизнинг маърифий тараққиёт йўлини тўғри баҳолай олиш ва ўзининг шахсий муносабатини ифода этиш; 3) педагогика назарияси ва тарихи ҳақида етарли билимга эга, уларни мустақил ўқиб-ўрганиш интилиш (2-, 3-, 4-жадвалларга қаранг).

## 2-жадвал

Талабаларнинг педагогик фикрлар ривожини ўзлаштириш  
кўрсаткичлари (тажриба аввалида)

Умумий сони	Назорат гуруҳи					Тажриба гуруҳи				
	Жами	5	4	3	2	Жами	5	4	3	2
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази										
132	68	7	27	26	8	64	4	26	25	9
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети										
245	122	6	46	58	12	123	5	53	52	13
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогик институти										
210	108	3	50	46	9	102	4	36	54	8
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали										
84	42	4	9	27	2	42	3	11	25	3
Умумий сони	340	20	132	157	31	331	16	126	156	33
Умумий ўртача	85	5	33	39	8	83	4	32	39	8

## 3-жадвал

Талабаларнинг педагогик фикрлар ривожини ўзлаштириш  
кўрсаткичлари (тажриба сўнгида)

Умумий сони	Назорат гуруҳи					Тажриба гуруҳи				
	Жами	5	4	3	2	Жами	5	4	3	2
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази										
132	68	8	32	20	8	64	12	26	25	1
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети										
245	122	8	50	54	10	123	20	70	31	2
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогик институти										
210	108	4	40	56	8	102	12	69	20	1
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали										
84	42	4	10	26	2	42	8	19	15	0
Умумий сони	340	24	132	156	28	331	52	184	91	4
Умумий ўртача	85	6	33	39	7	83	13	46	23	1

## 4-жадвал

Талабаларнинг педагогик фикрлар ривожини ўзлаштириш даражаси  
самарадорлиги

Даражалар	Назорат гуруҳи				Тажриба гуруҳи			
	Тажриба аввалида		Тажриба сўнгида		Тажриба аввалида		Тажриба сўнгида	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Аъло	5	5,9	6	7,1	4	4,8	13	15,7
Яхши	33	38,8	33	38,8	32	38,6	46	55,4
Қониқарли	39	45,9	39	45,9	39	47,0	23	27,7
Қониқарсиз	8	9,4	7	8,2	8	9,6	1	1,2
Умумий ўртача	85	100	85	100	83	100	83	100

Олинган натижаларнинг ишончилигини баҳолаш учун  $\chi^2$  –Пирсон

критерияси ёрдамида, қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилган:

$$T = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^C \left[ \frac{(n_1 K_{2i} - n_2 K_{1i})^2}{K_{1i} + K_{2i}} \right]$$

Бу ерда  $T$  – эмпирик қиймати,  $n_1$  — назорат гуруҳидаги иштирок этган талабалар сони,  $n_2$  — тажриба гуруҳидаги иштирок этган талабалар сони,  $K_1$ ,  $K_2$  — танланма модал қийматлари ( $K_1$  — назорат гуруҳлар учун,  $K_2$  — тажриба гуруҳлар учун),  $i$  – қиймат рақами,  $C$  – баҳо қиймати (бизларнинг ҳолатимизда: аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз).

Назорат ишларининг натижалари, назорат ва тажриба гуруҳларидаги талабалар тажриба-синов олди ва тугаганидан сўнг тўрт тоифадан бирига тушиш эҳтимоли тенглиги ҳақидаги фаразни синаш учун ишлатилади: аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз, яъни  $p_{11}=p_{21}$ ,  $p_{12}=p_{22}$ ,  $p_{13}=p_{23}$ ,  $p_{14}=p_{24}$ . Бунда ноль фараз  $H_0: p_{1i}=p_{2i}$  кўринишига эга бўлади. Демак, муқобил фараз ҳеч бўлмаганда  $C$  тоифалардан биттаси учун  $H_1: p_{1i} \neq p_{2i}$  кўриниш ҳосил қилади.

Ҳисоб-китоблардан кўринадики, тажриба-синовгача  $T_{\text{куз}} \approx 0,5788$ ,  $\alpha=0,05$  ва  $\nu=C-1=3$  эркинлик даражалари сони учун  $T_{\text{критик}}=7,815$  мезоннинг критик ва статистик қийматини аниқлаймиз. Бундан  $T_{\text{куз}} < T_{\text{критик}}$  ( $0,5788 < 7,815$ ) тенгсизлиги тўғри бўлиб чиқади, шундай қилиб, Пирсон  $\chi^2$  мезон учун қарор қабул қилиш қоидаларига мувофиқ, олинган натижа ноль фаразни инкор қилиш учун етарлича асос бўла олмайди. Бошқача айтганда, назорат ва тажриба-синов гуруҳи талабаларининг тажриба-синовдан олдин тўртта: аъло, яхши, қониқарли ва қониқарсиз ўзлаштирувчилар тоифасига тушиб қолиш эҳтимоли бир хил бўлган.

Тажрибадан сўнг олинган маълумотлар учун ноль фаразни ҳисоблаймиз.

$n_1=85$ ,  $n_2=83$ ,  $K_{11}=6$ ,  $K_{12}=33$ ,  $K_{13}=59$ ,  $K_{14}=7$ ,  $K_{21}=13$ ,  $K_{22}=46$ ,  $K_{23}=23$ ,  $K_{24}=1$

$$T_{\text{куз}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^C \left[ \frac{(n_1 K_{2i} - n_2 K_{1i})^2}{K_{1i} + K_{2i}} \right]$$

$$\begin{aligned} T_{\text{куз}} &= \frac{1}{85 * 83} \left( \frac{(85 * 13 - 83 * 6)^2}{6 + 13} + \frac{(85 * 46 - 83 * 33)^2}{33 + 46} + \frac{(85 * 23 - 83 * 39)^2}{39 + 23} \right. \\ &\quad \left. + \frac{(85 * 1 - 83 * 7)^2}{7 + 1} \right) \\ &= \frac{1}{7055} (19392,05 + 17357,48 + 26508,45 + 30752,00) \approx 13,32 \end{aligned}$$

Демак,  $T_{\text{куз}} > T_{\text{крит}}$ , яъни  $13,32 > 7,81$ , тажрибада ҳисобланган қиймати критик нуқтадан катта ва  $H_0: p_{1i}=p_{2i}$  фаразни рад этишимизга тўғри келади.

Энди биз тажрибадан сўнг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш қийматини ҳисоблаймиз.


$$\bar{X}_T = \frac{1}{n_1} \sum_{i=1}^4 n_{1i} x_i = \frac{1}{83} (13 * 5 + 46 * 4 + 23 * 3 + 1 * 2) = 3,86$$

$$\bar{X}_H = \frac{1}{n_1} \sum_{i=1}^4 n_{1i} x_i = \frac{1}{85} (6 * 5 + 33 * 4 + 39 * 3 + 7 * 2) = 3,45$$


$\frac{X_T}{X_H} = 1,12$  нисбати, назорат гуруҳи билан таққослаганда тажриба гуруҳи 12 фоизга ошганини кўрсатади.

4-жадвалдан кўриниб турганидек, тажриба аввалида ўқитувчи ва талабалар, ўқувчиларнинг билим даражаси паст кўрсаткични берган бўлса, тажриба сўнгида тажриба гуруҳларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган, биз бунга ўзлаштириш даражаларини диаграммаларда тасвирлаш орқали гувоҳ бўлдик (2-расмга қаранг).

**Тажриба-синов аввалида**



**Тажриба-синов сўнгида**



**2-расм. Ўзлаштириш даражалари диаграммалари**

Демак, тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошганлиги тажриба-синов ишлари натижалари орқали ўз исботини топди.

Математик-статистик таҳлил натижалари тажриба-синов ишлари бошидаги ҳамда сўнгида талабаларнинг Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогик фикрлар ҳақидаги тушунчалари кенгайиб, миллий ғурур ва ифтихор, миллий ўзликни англаш туйғулари шаклланиб борганлиги тасдиқланди. Бу эса олиб борилган педагогик тажриба ишлари самарали эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда 2010–2020 йиллар оралиғида педагогика тарихи, дидактика, ўқитиш методикаси ва педагогик технологиялар йўналишлари бўйича педагогик фикрлар ривожини жадал суръатда ривожланиб, педагогика фанини замонавий концептуал ғоялар, шакл, метод ва воситалар билан бойитишга хизмат қилди. Бу эса Қорақалпоғистон мактабларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб, янгиланган педагогик тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари асосида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик модели

3-расмда келтириб ўтилган прогностик моделни амалга жорий этиш педагогик бенчмаркингни (илғор иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, ечим ва натижаларга эришиш мақсадида ўзаро корпоратив ҳамкорликни амалга ошириш) таълимий-тарбиявий фикрлаш ривождаги самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогик фикрларнинг ривожланишига (2010–2020 йй.) доир тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик муносабати билан мамлакатимизнинг таркибий қисми бўлган Қорақалпоғистонда ҳам амалга оширилаётган ислохотлар педагогик фикрларнинг ривожланиши, мактаблар ва маорифнинг такомиллашиши, умуман халқ таълимининг барча соҳаларида ўзгаришлар ва янгиланишларга шарт-шароитлар яратилди.

2. Педагогик фикрлар тараққиётига, биринчидан, Қорақалпоғистонда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги янгиланишлар сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан қорақалпоқ халқининг бой маданий-маърифий мероси асосий манба бўлиб хизмат қилди.

3. Қорақалпоғистонда миллий асосга эга таълим-тарбия жараёни шакллантирилиб, уни тубдан ислоҳ қилиб мустақил фикрлай оладиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ўқувчи-ёшларни тарбиялашга қаратилган янги таълим тизимига эга бўлди, у жамият тараққиётига мос тарзда педагогик фикрларнинг янада ривожланишига замин ҳозирлади.

4. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда миллий ғоя ва миллий мафкура асослари негизида тарбия назарияси ва методикасига доир кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилдики, бу биринчидан, мавжуд тарбия турларига (ватанпарварлик, инсонпарварлик, маънавий-ахлоқий, эстетик, жисмоний, меҳнатсеварлик) янгича ёндашувлар ва қарашларнинг шаклланганлиги билан белгиланса, иккинчидан, миллий тарбия, соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, оила тарбияси, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, фуқаролик каби турларни илмий тадқиқ этишга қаратилган педагогик фикрларни шакллантириб, тарбия назариясини миллий менталитет, миллий ўзлик, миллий ғурур, миллий онг сингари ғоялар билан бойитиш имконини берди.

5. Қорақалпоғистон Республикасида 2010-2020 йилларда амалга оширилган педагогик тадқиқотлар натижалари асосида педагогик фикрлар ривожининг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари (омиллари, босқичлари ва мазмуни) аниқлаштирилди. Мазкур ижтимоий-маданий шарт-шароитлар келажакда педагогик тадқиқотларни амалга оширишда ҳисобга олиниши ва тадқиқотчилик дастурларини прогностлаш учун методологик асос бўлиши далилланди.

6. Ёш авлодни тарбиялашда энг аввало янгича педагогик фикрларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланишида янги йўналишлар, педагогик

тадқиқотлар олиб борилиши, умуман, педагогик методологиянинг янгиланиши талаб этилади. Шу жиҳатдан Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг устувор йўналишлари тизимлаштирилди.

7. Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогика илмининг ривожланишига доир фикрлар, қарашлар, бой тажрибаларни тўплаб, талабалар ўртасида суҳбатлар, илмий мунозаралар ташкил этилиб, илмий-педагогик муҳитни шакллантириш, талаба ва магистрантларда ахборот-ресурс марказларида ҳамда архивларда ишлаш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадида уларнинг педагогик-изланишга доир компетенциясини ривожлантириш лозим, деган хулосага келинди.

8. Тадқиқот натижалари асосида Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожининг прогностик модели ишлаб чиқилди. Мазкур прогностик модел амалга жорий этиш педагогик бенчмаркингни таълимий-тарбиявий фикрлаш ривожигаги самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Педагогик фикрлар ривожини тараққий эттиришнинг миллий-инновацион методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

2. Педагогик тадқиқотлар натижаларини жорий этишнинг глобаллашувига эришиш, амалий аҳамияти ва самарадорлигининг кафолатланишига эришиш зарур.

3. Педагогик фикрлар ривожигаги ворисийлик, анъанавийлик ва новаторликнинг уйғунлигини таъминлаш, илмий изланишларнинг фундаментал аҳамиятга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4. Педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик изланиш ва амалиёт” илмий лабораторияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ПУРХАНОВ ЮСУПБАЙ ЕЛМУРАТОВИЧ**

**РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ МЫСЛИ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ В  
ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (2010–2020 гг.)**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**НУКУС – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.1.PhD/Ped1082.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:	Утебаев Тажибай Тилеумуратович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Юзликаев Фарит Рафаилович доктор педагогических наук, профессор Айтимбетов Махсетбай Зинатдин ули доктор философии по педагогическим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «26» XII 2020 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, г. Нукус, ул. П.Сейитова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: Адрес: 230105, г. Нукус, ул. П.Сейитова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «14» XII 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 20 от «14» XII 2020 года).



  
Б.П.Отемуратов  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.ф.-м.н., доцент

  
З.К.Курбаниязова  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, к.п.н., доцент

  
А.К.Пазылов  
Заместитель председателя Научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, к.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировом масштабе необходимость дальнейшего углубления политического, общественно-экономического, социального и культурного развития, подготовка нужных для построения свободного гражданского общества социально активных граждан — специалистов с высоким уровнем, конкурентоспособных на рынке труда и способных к совместной деятельности в условиях рыночных отношений личностей, еще больше актуализирует проблему воспитания педагогических кадров. В мире в настоящее время приобретает приоритетное значение исследование проблемы развития педагогической мысли как методологической основы развития системы образования, достижений в сфере образования и воспитания, а также ждущих своего решения проблем.

В настоящее время в мире на основе компаративизма проводятся ряд исследований для определения основных тенденций и приоритетных направлений развития педагогических идей, в условиях глобализации процессов образования происходит формирование национальных моделей образования, основанных на опыте иностранных методик, создания педагогических механизмов для обеспечения прозрачности и гуманности образования. Особенно, огромное значение имеют системная структуризация этнопедагогических идей и усовершенствующих взглядов, аналитическое прогнозирование развития образования, определение приоритетных сторон научных исследований, формирование аксиологических основ совершенствования педагогических взглядов. Также доказана важность определения приоритетов в развитии педагогических идей, формирование эргономических основ улучшения качества процессов образования, разработка дидактических параметров содержания образования на основе прогнозирования.

В нашей республике уделяется огромное внимание глубокому изучению научно-педагогического наследия, популяризации передовых опытов. Определение приоритетных условий развития образования, основываясь на глубоком изучении педагогической мысли, формирование активности научных школ в сфере педагогики, разработка прогностической модели оценки результативности развития педагогической мысли имеют важность для развития педагогики.

